


II. НАРХЛАР




Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий истеъмол нархлари индекси (ИНИ), % да



➤ 2020 йилнинг мартида истеъмол нархлари ва тарифлари даражасининг ой давомидаги ўртача ўсиш суръати **1,3 %** ни ташкил этди.



➤ 2020 йилнинг январь-март ойлари давомида истеъмол бозоридаги нархлар ва тарифлар ўртача **2,8 %** га кўтарилди.



➤ Йиллик даврда эса (2019 йилнинг мартага нисбатан) товарлар ва хизматлар нархларининг ўртача ўсиш суръати **13,6 %** ни ташкил этди.



➤ 2019 йилнинг март ойида, товарлар ва хизматларнинг нархлари ой давомида ўртача **1,2 %** га ўсди.



➤ 2019 йилнинг январь-март ойларида товарлар ва хизматлар ўртача **4,3 %** га қимматлашди.



➤ 2018 йилнинг март ойига нисбатан 2019 йилнинг март ойида товарлар ва хизматлар нархлари ўртача **13,6 %** га ошган.



Ўзбекистон Республикаси бўйича ИНИ, % да




ўтган ойга нисбатан



Ўртача ойлик ИНИ¹ ўсишини ҳисоблаш натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида ушбу кўрсаткич 0,9 % ни, 2019 йилнинг шу даврида эса 1,5 % ни ташкил этган.



ўтган йилнинг декабрига нисбатан



Ўтган йилнинг декабрига нисбатан 2019 ва 2020 йилларнинг январь-март ойлари давомида умумий ИНИ кўрсаткичлари орасидаги энг катта тафовут феврал ойида қайд этилди (мос равишда 101,4 % га қарши 103,1 %, ёки 1,7 пункт), минимал даражада эса январь ойида (101,5 % га қарши 100,6 %, ёки 0,9 пункт), март ойида эса 1,5 пунктни ташкил этди.



ўтган йилнинг мос ойига нисбатан




2020 йил март ойида йиллик умумий ИНИ ўтган ойнинг шу кўрсаткичига нисбатан 0,1 даражага (113,5 % дан 113,6 % гача) кўтарилди.

Шунингдек, олдинги ойда бўлгани каби, 2019 ва 2020 йил март ойларида умумий ИНИ йиллик кўрсаткичлари (113,6 %) га тенг бўлди.

¹ Ўртача ойлик ўсиш суръати ўтган ойга нисбатан ҳар бир ўрганилаётган ойидаги нарх индекслари ўсишининг ўртача геометрик кўрсаткичи сифатида аниқланади.

Йирик гуруҳлар кесимидаги нархларнинг ўзгаришига кўра, нархлар ва тарифларнинг ошиши бўйича етакчилик озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли бўлиб, жорий йилнинг март ойида нархлар 1,9 % га кўтарилган. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 0,9 % га ва хизматлар эса 0,8 % га ошган.



Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳларининг ИНИ, % да

ўтган ойга нисбатан


Озиқ-овқат маҳсулотлари



Ноозиқ-овқат маҳсулотлари



Хизматлар




Таққослаш учун: 2019 йилнинг мартида ҳам нарх ва тарифларнинг ўсиши бўйича етакчилик озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли бўлиб, нархлар ой давомида 1,5 % га қимматлашган эди. Ушбу даврда ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 0,8 % га, хизматлар эса 1,2 % га ошган.



2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий товарлар ва хизматлар гуруҳи нархлари ўзгаришининг умумий ИНИ даги таъсири, ф.д.

ўтган ойга нисбатан



- ✓ Жорий йилнинг март ойи давомида умумий ИНИ нинг **1,3** фоиз даражага ошиши (кейинги ўринларда ф.д.), озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг **0,8 ф.д.** да кўтарилиши билан боғлиқ.
- ✓ Ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши ойлик умумий кўрсаткичнинг қўшимча равишда **0,3 ф.д.** га ўсишини таъминлади.
- ✓ Пуллик хизматлар тарифларининг ўсиши натижасида умумий ИНИ қўшимча равишда **0,2 ф.д.** га ошди.

Таққослаш учун: 2019 йилнинг мартада ойлик умумий ИНИ асосан озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари таъсири остида шаклланган. Шундай қилиб, ой давомида умумий истеъмол нархлари индексининг 1,2 даражага ўсишида, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларнинг қимматлашиши 0,6 ф.д., ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар эса қўшимча равишда 0,3 ф.д.дан таъсир этган.

2020 йилнинг март ойида умумий ИНИ тузилмасини, салмоқ кўрсаткичлари шаклида янада батафсил кўриш мумкин.



2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва умумий ИНИ ўсишидаги таъсир улуши, % да

ўтган ойга нисбатан




2020 йилнинг мартада умумий ИНИ нинг ой давомидаги ўсишида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 62,1 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари улуши 23,5 % ва хизматлар улуши 14,4 % ни ташкил этди

Таққослаш учун: 2019 йилнинг мартада ҳам умумий ИНИ нинг ўсишига таъсири жиҳатидан устунлик озиқ-овқат маҳсулотлари томон йўналган вақтда (54,3 %), ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пулик хизматлар улуши мос равишда 23,7 % ва 22,0 % ни ташкил этган.

Умумий ҳисобда, 2020 йилнинг I чораги давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари даражаси 4,3 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 1,7 %, хизматлар 1,5 % га ошди.

Таққослаш учун: 2019 йилнинг дастлабки уч ойида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, хизматлар нархларининг ўсиши мос равишда 6,4 %, 2,8 % ва 2,5 % ни ташкил этган.





Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳларининг ИНИ, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

2019 йил март

2020 йил март



Озиқ-овқат
маҳсулотлари



Ноозиқ-овқат
маҳсулотлари



Хизматлар

Ҳар бир йирик гуруҳнинг салмоқ вазнини ҳисобга олган ҳолда, нархларнинг ўзгаришига қўшган ҳиссаси таҳлиliga кўра, 2020 йилнинг январь-мартида, етакчилик борасида озиқ-овқат маҳсулотлари таъсирининг устунлиги сақланиб қолганлигини кўрсатди. Ушбу даврда озиқ-овқат маҳсулотларига нархларнинг ўзгариши натижасида юзага келган инфляция босим, аста-секин 0,4 ф.д.дан (январь) 1,9 ф.д.гача (март) кўтарилиб борган.

2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва аҳолига пуллик хизматлар нархларининг кўтарилиши умумий кўрсаткичнинг ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмади. Шундай қилиб, январдан мартгача ноозиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ушбу кўрсаткич 0,1 ф.д.дан 0,6 ф.д.гача, хизматлар бўйича эса 0,1 ф.д.дан 0,3 ф.д.гача ошган.

Таққослаш учун: 2019 йилнинг дастлабки уч ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши ўтган йилнинг декабрига нисбатан умумий ИНИ ўсишига сезиларли даражада хисса қўшди. Шундай қилиб ушбу маҳсулот гуруҳлари нархларининг ўсиши умумий кўрсаткичларга январь ойида 1,2 ф.д.да март ойида 2,8 ф.д.да таъсир этди.





Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири, ф.д.

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

2019 йил

2020 йил



Озиқ-овқат маҳсулотлари



Ноозиқ-овқат маҳсулотлари




Хизматлар

2020 йилнинг март ойида товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва умумий ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмаси, % да



ўтган йилнинг декабрига нисбатан



2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2020 йилнинг март ойида таъсир улуши кўрсаткичлари бўйича ИНИ умумий ўсишида озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳиссаси 66,6 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 21,3 % ва хизматлар 12,1 % ни ташкил этган.



Озиқ-овқат маҳсулотлари



Ноозиқ-овқат маҳсулотлари




Хизматлар


2020 йилнинг мартида товарлар ва хизматлар асосий
гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва уларнинг умумий
ИНИ ўсишига қўшган хиссаси, ф.д. ва % да



ўтган йилнинг март ойига нисбатан



Товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва унинг йиллик умумий ИНИ ўсишидаги таъсирига кўра, жорий йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши натижасида ушбу кўрсаткич 6,95 ф.д., ноозиқ-овқат маҳсулотлар таъсирида 3,45 ф.д., хизматлар нархларининг кўтарилиши оқибатида 3,23 ф.д.га ошган.



2019 йилнинг март ойига нисбатан умумий кўрсаткичнинг ўсишида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши деярли 51,0 % ни ташкил этади. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг таъсири тахминан тенг нисбатда бўлиб, ушбу кўрсаткич мос равишда 25,3 % ва 23,7 % ни ташкил қилади.



Озиқ-овқат
маҳсулотлари



Ноозиқ-овқат
маҳсулотлари




Хизматлар

Таққослаш учун: 2018 йилнинг мартига нисбатан 2019 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши сабабли умумий ИНИ 6,67 ф.д.га, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг таъсирида 3,59 ф.д., хизматлар таъсирида эса 3,38 ф.д.га ошган.

Шундай қилиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг таъсири улуши 48,9 %, ноозиқ-овқат товарлари 26,3 %, хизматлар 24,8 % ни ташкил этган.


Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ойлик ўртача ўсиш суръати даражаси 1,4 % ни ташкил этиб, 2020 йил бошидан нархлар ўрта ҳисобда 4,3 % га ошган. 2020 йил март ойида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари 2020 йил январь-март ойларидаги ўртача нархлардан 0,5 даражага баландроқ бўлди.



Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат
маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси, % да



2020 йил
март



2020 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари **1,9 %** га кўтарилди ёки ўтган ойдаги мос кўрсаткичга нисбатан **0,6** даражага юқори демакдир.

2019 йилнинг март ойига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **16,4 %** га қимматлашган.



2020 йилнинг
февралига нисбатан



2019 йилнинг
декабрига нисбатан



2019 йилнинг
мартига нисбатан

Таққослаш учун: 2018 йилнинг декабрига нисбатан 2019 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 6,4 %, 2018 йилнинг мартига нисбатан эса ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархларининг ўсиши суръати 15,3 % ни ташкил этган.


Кузатилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари ичида ой давомида мева ва сабзавотлар (5,0 %), гўшт, парранда гўшти ва балиқ (1,7 %), ёғ ва мойлар (1,3 %), нон (1,2 %) ҳамда сут маҳсулотлари (1,1 %), 2019 йилнинг охирига нисбатан эса мева ва сабзавотлар (12,5 %), шунингдек, гўшт, парранда гўшти ва балиқ (4,1 %) маҳсулотлари нархлари сезиларли даражада қимматлашган. Ой давомида умумий овқатланиш муассасалари нархлари 1,6 %, йил бошидан эса 2,5 % га қимматлашди.

Таққослаш учун: 2019 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларидан мевалар, сабзавотлар ва картошка (4,5 %), сут маҳсулотлари (1,5 %), шунингдек, умумий овқатланиш нархлари (1,1 %) гуруҳдаги бошқа нархларга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Айнан шу уч гуруҳ озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 2019 йилнинг I чораги давомида нархларнинг кўтарилиши бўйича етакчи ўринларни эгаллаган. Шундай илиб, қайд этилаётган даврда мевалар, сабзавотлар ва картошка 17,7 %, сут маҳсулотлари 8,1 %, умумий овқатланиш нархлари 8,0 % га қимматлашган.



2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси
бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари асосий
гурӯҳларининг ИНИ, % да



Нон
маҳсулотлари



Гўшт, парранда
гўшти ва балиқ



Сут
маҳсулотлари



Тухум



Мевалар,
сабзавотлар ва
картошка




Шакар, чой ва
бошқа маҳсулотлар



Ёғ
ва мойлар



Алкоголсиз
ичимликлар



Спиртли
ичимликлар

2020 йилнинг январь-март ойлари давомида нон маҳсулотлари март ойида (1,2 %), гўшт, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотлари февралда (1,9 %), сут маҳсулотлари (1,1 %), ёғ ва мойлар март ойида (1,3 %), спиртли ичимликлар февраль-март ойларида (0,8 % дан), мева ва сабзавот маҳсулотлари нархлари март ойида (5,0 %) сезиларли даражада қимматлашган. Ушбу даврда тухум маҳсулоти нархлари динамикаси бир маромда сақланиб қолмаган. Шундай қилиб, январь ойида нархларнинг 3,0 % га кўтарилганлиги қайд этилган бўлса, февраль ва март ойларида эса аксинча, нархларнинг пасайганлиги рўйхатга олинган (2,2 % ва 3,5 %).


■ ўтган ойга нисбатан

■ ўтган йилнинг декабрига нисбатан

Ҳар бир гуруҳ маҳсулотлари нархлари ўзгаришининг батафсил таҳлили куйидагича аке этган:

**Нон маҳсулотлари
(ёрма ва дуккакликлар билан)**

**2020 йилнинг март ойида
нархларнинг ўсиши, % да**



Нон маҳсулотларидан (ёрма ва дуккакликларни қўшган ҳолда) ушбу гуруҳга тааллуқли бўлган ловия (4,1 %), мош (3,4 %), нўхат (2,1 %), гречка (1,9 %), ун (1,5 %), вермишель, гуруч ва окшоқ (1,2 %) нархлари бошқаларга нисбатан сезиларли даражада қимматлашган. Йил бошидан эса дуккакликлар (0,7 % - 8,3 %) ва гречка (6,6 %) нархлари юқори даражада кўтарилган.

Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида нон маҳсулотлари (ёрма ва дуккакликларни қўшган ҳолда) 0,5 %, жумладан, ёрма ва дуккаклик маҳсулотлар нархлари ўртача 1,3 %, ун 0,2 % га ошди. Умумий ҳисобда, I чорак давомида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари ўртача 3,4 %, жумладан, ёрма ва дуккакликлар 5,1 %, ун 2,2 %, турли навли унлардан нон нархлари 0,4 % - 3,2 % ораликда қимматлашган.

2020 йилнинг март ойида асосий турдаги **гўшт маҳсулотларидан** қўй гўшти 3,1 % (йил бошидан 6,2 %), суякли мол гўшти 1,8 % (4,8 %), суяксиз мол гўшти 1,5 % (5,1 %), товук болдири ва сон қисмлари 1,5 % (0,5 %), бошқа турдаги парранда гўшти 1,4 % (йил бошига нисбатан 1,2 % га арзонлашган), тирик ва совутилган балиқ 1,4 % (чорак давомида нархлар 5,2 % га ошган) нархлари сезиларли даражада кўтарилди.

Гўшт, парранда гўшти
ва балиқ

2020 йилнинг март ойида
нархларнинг ўсиши ёки
пасайиши, % да



Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида гўшт маҳсулотларининг нархлари ўртача 0,7 %, жумладан, қўй гўшти 0,7 %, мол гўшти 0,4 % - 0,5 %, тирик ва совутилган балиқ 1,8 % га қўтарилган. Шунингдек, товуқ болдири ва сон қисмлари 0,2 %, бошқа турдаги парранда гўшти нархлари 0,4 %га арзонлашган. Умумий ҳисобда, ўтган йилнинг январь-март ойлари давомида гўшт, парранда гўшти ва балиқ нархлари 3,2 %, колбаса маҳсулотлари (10,1 % - 10,4 %), тирик ва совутилган балиқ (6,2 %) маҳсулотлари нархлари бошқаларга нисбатан юқори суръатларда қимматлашган.

Жорий йилнинг март ойида **тухум** нархлари 3,5 % га арзонлашиб, йил бошидан буён нархлар даражаси 2,8 % га пасайган.

Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида тухум нархлари 1,2 % га, мазкур йилнинг I чорагида эса 0,1 % га пасайган.



Сут маҳсулотлари

2020 йилнинг март ойида
нархларнинг ўсиши, % да



Ой давомида сут нархлари 1,9 % (2020 йилнинг январь-март ойларида эса 3,8 %), сузма 1,3 % (2,4 %), қаймоқ 1,2 % (2,6 %), қатик, чучук қатик нархлари 1,1 % (3,1 %)га қимматлашган.

Маълумот учун: 2019 йилнинг мартада сут маҳсулотлари нархлари ой давомида ўртача 1,5 %, йил бошидан эса 8,1 % га кўтарилган. Ой давомидаги гуруҳнинг ўртача нархларидан юқори даражада сут (2,4 %), қатик, чучук қатик (2,3 %), сузма (2,2 %), шунингдек, суюлтирилган ва колбасали пишлок (2,1 %) нархлари қимматлашган. Чорак давомида бошқа маҳсулотларга нисбатан қатик, чучук қатик (12,5 %), сут (11,6 %) ва қаймоқ (10,3 %) нархлари сезиларли кўтарилган.

Шакар, чой ва бошқа маҳсулотлар

2020 йилнинг март ойида
нархларнинг ўсиши, % да



Жорий йилнинг март ойида шакар ва қанд нархлари 0,7 % (йил бошидан 1,3 %) - га кўтарилган. Қандолат маҳсулотлари нархлари ўртача 1,3 % (2,2 %), кофе ва чой 0,5 % (1,0 %), бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари (туз, зираворлар, қайлалар ва бошқалар) 0,7 % (1,1 %) га қимматлашган.

Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида шакар, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача 1,0 %, жумладан, шакар 0,1 %, қандолат маҳсулотлари 1,7 %, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари 0,2 %га қимматлашиб, кофе ва чой нархлари барқарор сақланиб қолган. Чорак давомида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари 3,9 % га кўтарилиб, нархларнинг ўсиши бўйича етакчи поғона қандолат маҳсулотларига тегишли бўлган (5,6 %).

2020 йилнинг мартада **ёғ-мой маҳсулотларидан** ўсимлик, ҳайвон ва эритилган ёғ нархлари ой давомида 1,3 %, сариеғ 1,1 %, маргарин 1,2 % га кўтарилган. Йил бошидан ушбу маҳсулотлар нархлари 2,0 %, жумладан, ҳайвон ва эритилган ёғлар 3,6 %, сариеғ 2,7 %, маргарин 2,2 %, ўсимлик мойлари 1,8 % га ошган.




Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида ёғ-мой маҳсулотлари нархлари 0,3 %, жумладан, сариеғ 1,3 %, маргарин 1,0 %, озиқ-овқат ёғлари 0,7 % га қимматлишиш баробарида ўсимлик мойлари нархлари барқарор ҳолатда сақланиб қолган.

2019 йил охирига нисбатан мевалар, сабзавотлар ва картошка нархлари ўртача 12,5 % га қимматлашиб, саримсоқ эса нарх ошишида етакчи бўлди (1,5 баравар). 2019 йил декабрь ойидаги нархларга нисбатан банан (1,4 %), шолғом (0,2 %), сабзи, тузланган қарам (0,1 %) нархлари арзонлашган.

Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида мевалар, сабзавотлар ва картошка нархларининг ўсиш суръати 4,5 % ни ташкил этиб, улар орасида энг катта ўсиш қарам (15,7 %) ва помидор (10,4 %) маҳсулотларида қайд этилган. Шу билан бирга, бир ой давомида бодринг нархлари 3,1 % га арзонлашган. Умумий ҳисобда, 2019 йилнинг I чорагида мевалар ва сабзавотлар нархлари 17,7 % га қимматлашиб, нархларнинг ўзгариш оралиғи эса 0,4 % дан (цитрус мевалари) 49,5 % гачани (узум) ташкил этган.

Мевалар, сабзавотлар ва картошка

2020 йилнинг март ойида
нархларнинг ўсиши ёки пасайиши,
% да



Мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг ой давомида 5,0 % га қимматлашиши баробарида, саримсоқ (26,6 %), лимон (16,9 %), помидор (10,9 %) ва картошка (10,6 %) нархлари юқори суръатларда ошган. Шу билан бирга, бодринг, жумладан, тузланган ва маринадланган бодринг нархларининг арзонлашганлиги ҳам кайд этилган (1,4 % ва 0,1 %).



2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича
озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг ИНИ, % да
2019 йил март ойига нисбатан



Нон
маҳсулотлари

123,9



Гўшт, пар-
ранда гўшти ва
балиқ

124,4



Сут
маҳсулотлари

111,7



Тухум

128,2



Мевалар,
сабзавотлар
ва картошка

109,5



Ёғ ва мойлар

107,0



Шакар, чой
ва бошқа
маҳсулотлар

109,3



Алкоголсиз
ичимликлар

114,6



Спиртли
ичимликлар

111,0

Озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг истеъмол нархлари ўзгаришига келсак, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кетма-кет иккинчи ой нархларнинг ўсиши бўйича етакчи ўринни тухум нархлари (28,2 %) эгаллаб турибди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳлари нархларининг кўтарилиши ва унинг ой давомидаги умумий ИНИ нинг ўсишига қўшган ҳиссаси таҳлилига кўра, жорий йилнинг март ойида ҳам ўтган ойдаги каби нархларнинг кўтарилиши бўйича етакчилик мева-сабзавотлар, гўшт, парранда гўшти ва балиқ ҳамда нон маҳсулотларига тегишлидир. Умумий ҳисобда, улар йиғма ИНИни 0,65 ф.д.га ошишини таъминлаб, бу озиқ-овқат маҳсулотларининг таъсирдан тахминан 79,0 % ни ташкил этади.





2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва уларнинг ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмаси

ўтган ойга нисбатан

**умумий ИНИ ўсишидаги
ҳиссаси, ф.д.**

**озиқ-овқат маҳсулотларининг
таъсиридаги улуши, % да**



- | | |
|---|--|
|  тухум |  мевалар, сабзавотлар ва картошка |
|  нон маҳсулотлари |  шакар, чой ва бошқа маҳсулотлар |
|  гўшт, парранда гўшти ва балиқ |  ёғ ва мойлар |
|  сут маҳсулотлари |  бошқалар |

Изоҳ: озиқ-овқат маҳсулотлари таъсири улушини ҳисоблашда "Тухум" гуруҳи бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига киритилган.

2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан умумий ИНИ таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотлари орасидаги энг салмоқли улуш – мева-сабзавот ҳамда гўшт, шунингдек, нон маҳсулотларига тегишлидир (умумий таъсири 1,55 ф.д., ёки барча товарлар ва хизматларнинг 56,0 фоизи). Сут маҳсулотлари нархларининг ўсиши натижасида ИНИ 2019 йилнинг декабрига нисбатан 0,07 ф.д.га, ёғ-мой масулотлари нархлари таъсирида 0,06 ф.д.га шакар, чой ва бошқа маҳсулотлари таъсирида 0,10 ф.д.га кўтарилди. Шу билан бирга, тухум нархининг арзонлашиши умумий кўрсаткичнинг 0,2 ф.д.га пасайишига сабаб бўлди.

Йиллик даврда умумий ИНИ ўсишидаги ҳиссасига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт, парранда гўшти ва балиқ (2,50 ф.д.) ҳамда нон маҳсулотларининг (1,64 ф.д.) таъсири устунлик қилмоқда.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида **НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ** нархларининг ўртача ойлик ИНИ ўсиш суръати 0,6 % ни ташкил этди. Шундай қилиб, 2020 йилнинг март ойида мазкур гуруҳ маҳсулотлари нархлари январь-март ойлари ўртача кўрсаткичидан 0,3 ф.д.га юқори бўлди.



Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозик-овқат маҳсулотлар истеъмол нархлари индекси, % да



2020 йилнинг мартада ноозик-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **0,9 %** га ошган.

2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан мазкур гуруҳ нархларининг ўсиш суръати **1,7 %**, 2019 йилнинг мартага нисбатан **10,0 %** ни ташкил этди.

Таққослаш учун: 2019 йилнинг март ойи давомида ноозик-овқат маҳсулотлари нархлари **0,8 %** га кўтарилиб, 2018 йилнинг декабрига нисбатан ушбу кўрсаткич **2,8 %** ни, 2018 йилнинг мартага нисбатан **10,4 %** ни ташкил этган.

2020 йилнинг март ойида ноозик-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари ичида шахсий транспорт (6,9 %, шу жумладан кузатилаётган автомобиллар турлари ўртача 8,7 %) ва тамаки маҳсулотлари (4,1 %) нархларининг сезиларли ўсиши қайд этилди. Бир ой давомида қурилиш материаллари 0,9 %, кийим-кечак, мато ва йиғирилган иплар 0,8 %, оёқ кийим 0,7 %, асосий маиший буюмлари ва электр жиҳозлари нархлари 0,3 % га ўсди.

Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида ноозик-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари орасида ювиш ва тозалаш маҳсулотлари (2,4 %) ҳамда шахсий гигиена воситалари (2,1 %) нархлари бошқаларга нисбатан юқори даражада қимматлашган.

2020 ва 2019 йилларнинг мартадаги ноозик-овқат маҳсулотларнинг асосий гуруҳлари ИНИ ни олдинги ой билан таққослаш натижаларига кўра, кийим-кечак, оёқ кийим, шахсий гигиена, ювиш ва тозалаш воситалари ва заргарлик буюмлари нархлари ўтган йилнинг март ойида қимматроқ бўлиб, жорий йилнинг март ойида эса мато ва йигирилган иплар, маиший тўқимачилик маҳсулотлари, маданий моллар, қурилиш материаллари, дори-дармонлар, автомобиллар учун ёқилғи, асосий маиший маҳсулотлар ва электр жиҳозлари нархлари юқори бўлган.



Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозик-овқат
маҳсулотлар асосий гуруҳларининг ИНИ, % да

ўтган ойга нисбатан

	● 2019 йил март	● 2020 йил март
Кийим-кечак	101,7	100,8
Шахсий гигиена маҳсулотлари	102,1	100,7
Оёқ кийим	101,3	100,7
Автомобиллар учун ёқилғи	99,7	100,2
Мато ва йигирилган иплар	100,3	100,8
Асосий маиший маҳсулотлар ва электр жиҳозлари	100,1	100,3
Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	100,1	101,0
Тамаки маҳсулотлари	100,0	104,1
Маданий моллар	100,3	100,5
Заргарлик буюмлари	101,1	100,7
Қурилиш материаллари	100,5	100,9
Ювиш ва тозалаш воситалари	102,4	100,9
Дори-дармонлар	100,0	101,2
Шахсий транспорт	100,2	106,9

2019 йилнинг декабрига нисбатан босма нашр маҳсулотлари нархлар ошиши бўйича етакчи ўринни эгаллашда давом этиб (11,9%), йиллик даврда эса автомобиллар учун ёқилғи нархлари бошқаларга нисбатан юқорирок даражада қимматлашди (20,4%).



**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича
ноозиқ-овқат маҳсулотлар асосий гуруҳларининг ИНИ, % да**


		2019 йилнинг декабрига нисбатан	2019 йилнинг мартига нисбатан
	Кийим-кечак	102,0	108,8
	Оёқ кийим	101,8	109,5
	Мато ва йиғирилган иплар	101,9	111,1
	Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	102,0	109,5
	Маданий моллар	101,2	107,7
	Қурилиш материаллари	101,5	108,0
	Дори-дармонлар	101,6	109,7
	Шахсий гигиена маҳсулотлари	101,3	110,6
	Автомобиллар учун ёқилғи	100,2	120,4
	Асосий маиший маҳсулотлар ва электр жихозлари	100,9	107,9
	Китоблар, газеталар ва журналлар	111,9	117,0
	Заргарлик буюмлари	102,2	117,7
	Ювиш ва тозалаш воситалари	100,8	107,7
	Мебел	100,7	107,5
	Тамаки маҳсулотлари	104,1	117,6
	Шахсий транспорт	106,9	112,1

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг нархлари ўзгариши ва уларнинг ой давомида умумий ИНИ ўсишига қўшган ҳиссасига келсак, 2020 йилнинг март ойи натижаларига кўра, салмоқ вазнларни ҳисобга олган ҳолда кийим-кечак (0,07 ф.д.) ва шахсий транспорт (0,06 ф.д.) нархларининг ўсиши сезиларли таъсир кўрсатган. Қурилиш материаллари ва дори-дармон нархларининг қимматлашуви натижасида умумий кўрсаткич 0,06 ф.д., оёқ кийим ҳамда тамаки маҳсулотлари нархлари таъсирида 0,02 ф.д.га ортган.



2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ҳамда умумий ИНИ даги ҳиссаси, ф.д. ва % да

ўтган ойга нисбатан



Таққослаш учун: 2019 йилнинг мартида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг ой давомида умумий ИНИ ни ўсишига асосан кийим-кечак ва оёқ кийим (0,16 ф.д.), шунингдек, шахсий гигиена, ювиш ва тозалаш воситалари (умумий 0,07 ф.д.) нархларининг ўзгариши таъсир этган.

2020 йилнинг январь-март ойларида умумий ИНИ нинг ўсишига таъсири жиҳатидан етакчилик кийим-кечак ва шахсий транспорт воситаларига тегишлидир (0,23 ф.д., ёки умумий ноозиқ-овқат маҳсулотлар таъсиридан 39,0 %). Шахсий транспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари нархларининг ўсиши натижасида, кўрсатилган даврда жами кўрсаткич қўшимча равишда 0,07 ф.д.га, қурилиш материаллари таъсирида 0,05 ф.д.га, шахсий гигиена воситалари, кир ювиш ва тозалаш воситалари жами 0,5 ф.д.га, маиший тўқимачилик маҳсулотлари, мато ва эшилган иплар 0,04 ф.д.га, асосий маиший буюмлар ва электр жиҳозлари, ошхона анжомлари ва жиҳозлари 0,03 ф.д.га, тамаки маҳсулотлари таъсирида 0,02 ф.д.га ошди.

2019 йилнинг март ойига нисбатан умумий кўрсаткичнинг ўсишига кийим-кечак (0,74 ф.д.), автомобиллар учун ёқилғи (0,49 ф.д.), оёқ кийим ва дори-дармонлар (0,27 ф.д.дан), шунингдек, қурилиш материаллари (0,26 ф.д.) нархларининг ўзгариши сезиларли ҳисса қўшган.


Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли учун **пуллик хизматлар** нархларининг ўртача ойлик ИНИ ни ўсиш суръати **0,5 %** ни ташкил этди.

Таққослаш учун: 2019 йилнинг январь-март ойларида аҳоли учун пуллик хизматлар нархларининг ўртача ойлик ИНИ ни ўсиш суръати **0,8 %** ни ташкил этган.



Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун пуллик хизматларнинг ИНИ, % да

2020 йил март



2020 йилнинг мартда аҳоли учун пуллик хизматлар тарифларининг ой давомидаги ўсиш суръати **0,8 %** ни ташкил этди.


2019 йилнинг охирига нисбатан нархларнинг ўсиш суръати **1,5 %**, йиллик даврда эса **14,1 %** ни ташкил этди.

2019 йил март

Таққослаш учун: 2019 йилнинг март ойида аҳоли учун пуллик хизматлар тарифлари **1,2 %** га ошган.

2019 йилнинг илк уч ойи давомида ушбу соҳадаги тарифларнинг ўсиш суръати **2,5 %** ни ташкил этган.

2018 йилнинг март ойига нисбатан аҳоли учун пуллик хизматлар қиймати ўртача **15,7 %** га ортган.



- 2019 йилнинг февралига нисбатан
- 2018 йилнинг декабрига нисбатан
- 2018 йилнинг мартига нисбатан

2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси
бўйича аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш алоҳида
гурuhlарининг ИНИ, % да



ўтган ойга нисбатан



Жорий йилнинг март ойида кузатилаётган аҳоли учун пуллик хизматлар орасида олий таълим давлат муассасаларида шартнома асосида ўқитиш учун тўловларнинг 7,0 % га, шунингдек, кузатилаётган бошқа таълим хизматларининг 1,1 % гача кўтарилиши натижасида умумий таълим хизматлари нархлари 3,2 % га қимматлашган.

Тиббий хизматлар нархлари ой давомида 1,8 %, маиший хизматлар 0,9 %, йўловчи ташиш транспорти ва дам олиш хизматлари нархлари 0,8 % га ошган.

Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида хизматлар орасида нархларнинг ўсиши бўйича етакчилик таълим хизматларига (6,2 %), жумладан, ОТМ да ўқитиш тўловларининг 10,0 % га ошиши ҳисобига тўғри келди. Алоқа хизматлари 3,9 %, спорт ва дам олиш 1,3 %, маиший хизматлар 0,5 %, уй-жой коммунал хизматлари 0,3 % га ошган.



2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича
аҳоли учун алоҳида пуллик хизматлар гуруҳларининг ИНИ,
% да

Хизматлар номи	2019 йилнинг декабрига нисбатан	2019 йилнинг мартига нисбатан
Маиший хизматлар	102,9	116,8
Уй-жой коммунал хизматлари	100,1	117,2
Йўловчи ташиш транспорти хизматлари	101,1	112,5
Алоқа хизматлари	100,2	101,2
Маданият муассасалари хизматлари	101,0	103,9
Спорт хизматлари	101,2	110,4
Дам олиш хизматлари	105,5	111,6
Тиббий хизматлар	102,6	113,4
Таълим хизматлари	103,4	118,0
МТТ хизматлари	100,0	120,2

Умумий ҳисобда, 2020 йилнинг дастлабки уч ойида, бошқаларга нисбатан, дам олиш хизматлари (5,5 %), таълим (3,4 %) ва маиший (2,9 %) хизматлар нархлари сезиларли даражада ошди.

Аҳолига пуллик хизматлар тарифларининг йил давомидаги ўзгаришига келсак, кузатилаётган асосий гуруҳлар бўйича мактабгача таълим ташкилотлари (20,2 %), таълим (18,0 %), уй-жой коммунал (17,2 %), маиший хизматлар (16,8 %) нархлари сезиларли даражада қимматлашган.


Маълумот учун: 2018 йилнинг декабрига нисбатан 2019 йилнинг март ойида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги нархлар ва тарифларнинг ўсиши бўйича етакчилик дам олиш хизматларига (7,5 %), 2018 йил мартига нисбатан эса уй-жой коммунал хизматларига (25,3 %) тааллуқли бўлган.




2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича
аҳоли учун пуллик хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг
ўзгариши ва ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмаси

Ўтган ойга нисбатан

умумий ИНИ ўсишидаги
ҳиссаси, ф.д.



пуллик хизматлар
таъсиридаги улуши, % да



- Маиший хизматлар
- Йўловчи ташиш транспорти хизматлари
- Таълим хизматлари
- Тиббий хизматлар
- Бошқа хизматлар

2020 йилнинг мартада хизматлар асосий гуруҳлари тарифларининг ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги улушини баҳоласак, бу борадаги етакчилик таълим хизматларига тегишли деб айтиш мумкин (0,06 ф.д. ёки хизматлар умумий таъсирдан 31,6 %).

Навбатдаги ўринларни эса маиший турдаги ҳамда тиббий хизматлар (0,04 ф.д.) нархлари банд этган бўлиб, бу хизматлар умумий таъсирининг 42,2 % ини ташкил этади.

Маълумот учун: 2019 йилнинг март ойида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий турларидан таълим хизматлари нархларининг ошиши – умумий ИНИ ўсишига салмоқли ҳисса қўшган (0,11 ф.д.). Бундан ташқари, алоқа хизматларига тарифларнинг ошиши натижасида умумий кўрсаткич 0,08 ф.д.га, маиший ва уй-жой коммунал хизматлари таъсирида яна 0,04 ф.д.га кўтарилган.


2019 йилнинг охирига нисбатан аҳолига пуллик хизматларнинг асосий турларидан маиший хизматлар тарифларининг қимматлашиши умумий ИНИ кўрсаткичининг ўсишига салмоқли ҳисса қўшган (0,13 ф.д., ёки пуллик хизматларнинг умумий таъсирдан қарийб 39,4 %). Бундан ташқари, таълим (0,07 ф.д., ёки 21,2 %) ва тиббий хизматлар (0,06 ф.д., ёки 18,2 %) нархларининг ошиши ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.




2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича
аҳоли учун пуллик хизматлар асосий гуруҳлари
нархларининг ўзгариши ва ИНИ ўсишидаги таъсири
тузилмаси

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

умумий ИНИ ўсишидаги
хиссаси, ф.д.



пуллик хизматлар
таъсиридаги улуши, % да



Маиший хизматлар



Йўловчи ташиш транспорти
хизматлари



Таълим хизматлари



Дам олиш ва маданият
муассасалари хизматлари



Тиббий хизматлар



Бошқа хизматлар

Йиллик даврда умумий кўрсаткичнинг ўсишига таъсири жиҳатидан етакчи ўринлар уй-жой коммунал (1,04 ф.д.), маиший (0,77 ф.д.), йўловчи ташиш транспорти (0,39 ф.д.), таълим (0,36 ф.д.), шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари (0,11 ф.д.) хизматларига тегишлидир.

2020 йилнинг январь-мартида **саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг** ўртача ойлик ўсиш суръати **0,5 %** ни ташкил этди.

2020 йил I чораги давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги нархлар даражаси ўртача **1,5 %** га қўтарилган.

Таққослаш учун: 2019 йилнинг январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 3,2 % ни ташкил этган.


2019 йил I чораги давомида ишлаб чиқарувчилар нархлари 9,9 % га қимматлашган.

2020 йилнинг январь-марти давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ой давомида юқори даражага кўтарилганлиги январь ойида рўйхатга олинган (0,9 %).




2020 йил январь-мартида саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчилар нархлари индекси динамикаси, % да


ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига нисбатан




ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



Таққослаш учун: 2019 йил январь-март ойлари давомида саноат ишлаб чиқарувчилар нархлари ўсишининг энг юқори кўрсаткичи январь ойида қайд этилган (8,8 %).


Ўтган йилнинг декабрига нисбатан 2020 йилнинг январь-март ойлари давомида саноат ишлаб чиқарувчилар нархларининг умумий индекси 2019 йил I чоракдаги кўрсаткичдан паст бўлди. Бу 2019 йилнинг январь ойида нархларнинг сезиларли даражада ошиши натижасида бўлиб, асосан қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқарувчилар (ойига 11,4 %) нархларининг ўсиши билан боғлиқ.



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари
умумий индекси динамикаси, % да

ўтган ойга нисбатан

ўтган йилнинг декабрга
нисбатан



■ 2019 йил

■ 2020 йил

Қуйида 2020 йилнинг I чораги учун иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича саноат товарлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси кўрсатилган:

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, % да

	ўтган ойга нисбатан			2020 йил март 2019 йил декабрга нисбатан
	январь	февраль	март	
Саноат фаолияти	100,9	100,2	100,4	101,5
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	100,3	97,3	97,0	94,7
Кўмир ва лигнит қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	100,0
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	99,6	95,3	99,3	94,3

давоми

	ўтган ойга нисбатан			2020 йил март 2019 йил декабрга нисбатан
	январь	февраль	март	
Металл рудалари қазиб олиш	103,1	104,1	87,5	93,9
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	101,4	102,1	102,6	106,1
Ишлаб чиқариш саноати	100,9	100,6	101,0	102,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,7	100,5	100,3	101,5
Ичимликлар ишлаб чиқариш	101,0	100,6	100,1	101,7
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	122,3	100,0	122,2	149,4
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,1	100,0	99,5	99,5
Кийим ишлаб чиқариш	101,5	98,6	105,2	105,4
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	100,0
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	100,0
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,3	99,9	100,0	100,2
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	100,0	100,0	100,0	100,0
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	105,3	96,1	101,3	102,5
Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	100,5	99,5	93,5	93,6
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	99,9	96,9	100,0	96,8

давоми

	ўтган ойга нисбатан			2020 йил март 2019 йил декабрга нисбатан
	январь	февраль	март	
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	100,0
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	99,9	102,7	102,2	104,8
Металлургия саноати	103,1	103,0	100,1	106,3
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	100,1	103,3	100,1	103,5
Электр ускуналари ишлаб чиқариш	100,2	99,9	100,0	100,1
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	99,9	100,0	100,0	99,9
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	99,3	100,4	106,4	106,1
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	100,0	102,7	100,0	102,7
Мебель ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	100,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	101,5	100,1	100,0	101,6
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	100,0	103,2	100,0	103,2

2020 йилнинг январь-март ойлари давомида **тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолияти** соҳасидаги нархларнинг ўзгариши динамикаси бир маромда кечмаган.

Январь ойида ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар нархлари 0,3 % га кўтарилган бўлса, февраль, март ойларида эса аксинча нархлар сезиларли даражада 2,7 % ва 3,0 % га пасайган.


Таққослаш үчүн: 2019 йил январь ойида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолияти соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари даражаси 0,6 % га, февралда 1,5 % га ошган бўлса, март ойида эса 1,5 % га пасайган.




2020 йил январь-мартда тоғ-кон саноати ва очик конларни
ишлаш фаолиятида ишлаб чиқарувчилар нархлари
индексининг динамикаси, % да




ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига нисбатан



ўтган йилнинг мос ойига нисбатан




2020 йилнинг I чораги давомида **хом нефт ва табиий газ қазиб олиш** нархлари ойлар мобайнида 0,4 % дан 4,7 % гача оралиқда пасайган.



2020 йил январь-мартда хом нефт ва табиий газ қазиб олиш соҳасида
ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да

ўтган ойга нисбатан



Ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси 2020 йилнинг январь-март ойлари давомида ишлаб чиқарилган табиий газ нархининг пасайиши ва қазиб олинган хом нефт нархининг ошиши таъсири остида шаклланган.

Металл рудалари қазиб олишда ишлаб чиқарувчилар нархлари жорий йилнинг январь-февраль ойларида 7,4 % га ўсди, март ойида эса 12,5 % га пасайиши кузатилди.

2020 йилнинг мартда **кўмир ва лигнит қазиб олиш** нархлари ўтган йил охиридаги даражасида сақланиб қолди.


Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият саноатида нархлар чорак мабойнида 6,1 % га ошди, жумладан, қурилиш ва пардозлаш учун тош, оҳактош, гипс, бўр ва сланецлар қазиб олиш нархлари индекси ўсиши 14,4 %, очиқ шағал ва қум конларини ишлаш, тупроқ ва каолин қазиб олиш 5,7 %, кимё саноати ва ўғитлар ишлаб чиқариш учун минерал хом ашёлар қазиб олиш биржа нархлари ўзгариши ҳисобига, аксинча, 53,6 % га пасайди.




2020 йил январь-мартда тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш асосий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан


Кўмир ва лигнит қазиб олиш



Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш



Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият




2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг **қайта ишлаш саноати** маҳсулотлари нархлари 2,5 % га ошган. Бу фаолият турида нарх индексларининг ҳар ойлик ўсиши ҳисоб китоблари натижасига кўра 0,8 % ни ташкил этди.




2020 йил январь-мартда ишлаб чиқариш саноати бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да




ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига нисбатан



ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



2020 йил I чораги давомида ишлаб чиқариш саноати бўйича нархларнинг ошишида етакчи ўрин тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришга (49,4 %) тегишлидир. Қолган фаолият турларига нисбатан металлургия саноати (6,3 %), автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеplar ишлаб чиқариш (6,1 %) ва кийим ишлаб чиқариш (5,4 %) нархлари юқорироқ ўсди.

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқарувчилар нархлари ўсиши январда (22,3 %) ва мартда (22,2 %) қайд этилди.

Металлургия саноатида 2020 йил I чорагида нархларнинг асосий ўсиши январда (3,1 %) ва мартда (3,0 %) кузатилди.

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеplar ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчилар нархлари январь ва февралда 0,7 % ва 0,3 % га пасайди, мартда эса 6,4 % га кўтарилди.

Кийим ишлаб чиқарувчилар нарх ўзгаришларининг ойлик динимикаси ҳам бир маромда кечмади: январь ойида 1,5 % га нархлар ошгандан сўнг, уларнинг февралда 1,4 % га пасайиши қайд этилди, шундан кейин март ойида нархлар яна 5,4 % га кўтарилди.



2020 йил январь-март учун ишлаб чиқариш саноатидаги фаолият турлари бўйича нархларнинг ўсишида етакчи ўринни эгаллаган ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш



Металлургия саноати



Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш



Кийим ишлаб чиқариш



Куйида металлургия саноати ишлаб чиқарувчилари нархлари индекси кўрсатилган:



2020 йил январь-март учун металлургия саноатидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, % да

Ўтган йилнинг декабрига нисбатан



Металлургия саноатида қувурлар ишлаб чиқаришда нархларнинг барқарорлиги, шунингдек, улардан чўян, пўлат ва темир қотишмалари ишлаб чиқаришда (0,1 %) сезиларсиз ўсиш шароитида, нархларнинг ўсиши қимматбаҳо ва рангли металлларни ишлаб чиқаришда (8,7 %) қайд этилди. Нархларнинг асосий ўсиши қимматбаҳо ва бошқа рангли металлларни ишлаб чиқаришда содир бўлди, мис, кўрғошин, қалай ва рух ишлаб чиқариш эса аксинча пасайди.

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва моторли транспорт воситалари ярим прицеплари ишлаб чиқариш чоракда 8,3 % га қимматлашди, уларнинг бутловчи ва таркибий қисмлари аксинча 2,4 % га арзонлашди, автомобил кузовлари ва тиркамалари нархи 2019 йилнинг декабрь ойи даражасида қолди.

2020 йил бошидан **бошқа нometалл минерал маҳсулотлар** ишлаб чиқарувчиларнинг ўртача нархлари 4,8 % га кўтарилди.



2020 йил январь-март учун бошқа нometалл минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш нархлари индекси, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан



Нархларнинг энг юкори ўсиши ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қайд этилди. Бунда чорак давомида ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари 22,7 % га ошди.


Нархларнинг пасайиши листланган шишани муайян шаклга келтириш ва ишлов бериш билан шуғулланадиган корхоналар маҳсулотларида (1,5 %) қайд этилди.

Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари нархларини ўртача 2,5 % га оширди. Шу билан бирга, ушбу гуруҳга кирувчи товарлар нархларининг ўзгариши нотекис бўлди: Нефтни ҳайдашнинг бошқа ўртача маҳсулотлари, бошқа гуруҳларга киритилмаган ўртача нефть дистиллятлари маҳсулотлари бошқаларга қараганда сезиларли даражада ошди. Бу вақтда дизель ёқилғиси, бензин, шунингдек, бошқа енгил нефть дистиллятлари эса 0,3 % - 0,9 % га арзонлашди.




2020 йилнинг январь-марти учун нефтни қайта ишлаш маҳсулотларининг айрим турларини ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан




Шу билан бирга, жорий йилнинг январь-март ойларида саноат фаолиятининг айрим турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг пасайиши кузатилди. Нархларнинг ёрқин пасайиши **кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш** соҳасида намоён бўлди, бу ерда уларнинг пасайиши йил бошидан 6,4 % ни ташкил этди.

Қуйида 2020 йил I чорагида нархларнинг пасайиши юзасидан саноат фаолияти айрим турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси динамикаси кўрсатилган:



Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш




Ўтган ойга нисбатан
Ўтган йилнинг декабрига нисбатан

Асосий фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш




Ўтган ойга нисбатан
Ўтган йилнинг декабрига нисбатан

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш



Ўтган ойга нисбатан
Ўтган йилнинг декабрига нисбатан

Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш



Ўтган ойга нисбатан
Ўтган йилнинг декабрига нисбатан


2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2020 йилнинг март ойида **электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** нархлари индекси 101,6 % ни ташкил этди.

Ушбу фаолият туридаги нархларнинг асосий ўсиши январь (1,5 %) ойида қайд этилди. Шу билан бирга, ушбу фаолият турида электрэнергияси, газ, буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) ишлаб чиқариш нархларининг барқарорлиги сақланиб қолган ҳолда, газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш хизматлари (24,9 % га) кўтарилди.




2020 йилнинг январь-марти учун электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш асосий турлари бўйича умумий ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да


ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига нисбатан



ўтган йилнинг мос ойига нисбатан




Таққослаш учун: 2019 йилнинг январь-мартида электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда ишлаб чиқарувчилар нархлари ўртача 4,8 % га кўтарилди. Кўрсатилган даврда иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилар нархлари 1,7 марта ўсди, газсимон ёқилгини ишлаб чиқариши ва тақсимлаш хизматлари эса аксинча 6,9 % га арзонлашди. Кўмирни ер остида газга айлантириши натижасида ҳосил бўлган газ ишлаб чиқариши тарифлари ўтган йил I чораги давомида барқарорлигини сақлаб қолди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда ишлаб чиқарувчилар нархлари 2020 йилнинг I чораги давомида 3,2 % га ошди. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг ўсиши фақат февраль ойида қайд этилди, январь ва март ойларида ушбу фаолият туридаги нархлар ўзгармади.




2020 йилнинг январь-марти учун сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да


Ўтган ойга нисбатан



Ўтган йилнинг декабрга нисбатан



Ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



Жорий йилнинг январь-мартда сувни қайта ишлаш ва қувурлар бўйича тақсимлаш, худди шунингдек, оқава сувларга ишлов бериш, транспортировка қилиш ва йўқотиш хизматларини кўрсатувчи ишлаб чиқарувчилар нархлари барқарорлиги ҳолатида, иккиламчи хомашё олиш учун металл чиқиндиларини саралаш ва қайта ишлаш (5,0 %) билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўсиши кузатилди.

Таққослаш учун: 2019 йилнинг январь-мартда сувни қайта ишлаш ва қувурлар бўйича тақсимлаш бўйича хизматлар 1,0 % га, канализация тизимлари 1,3 % га қўтарилган. Шу билан бирга, чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш, йўқотиш, утилизация қилишга ихтисослаштирилган корхоналар нархлари 2018 йил декабрь даражасида сақланиб қолган.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) - инфляция даражасини ифодаладиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товар ва хизматлар истеъмоли миқдори ўзгармас бўлган ҳолида, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди.

ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади.

ИНИни ҳисоблаш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

– истеъмол бозорида товар ва хизматларнинг сотиш жойида рўйхатга олиш усули бўйича олинган нархларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар;

– аҳолининг ҳақиқий истеъмол харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар.

Кузатувлар мамлакатнинг барча ҳудудларидаги уюшган савдо мажмуалари ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида, шунингдек, кийим-кечак, аралаш ва озик-овқат бозорларида амалга оширилади. ИНИни шакллантириш учун нархлар ва тарифларни рўйхатга олиш ҳар ойнинг 10-санасидан 20-санасигача амалга оширилади.

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилувчи истеъмол товарлари (хизматлари) рўйхати, аҳоли томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган товар ва хизматларнинг республиканинг барча ҳудудлари учун ягона бўлган гуруҳини ифодалайди. Унинг таркиби 510 турдаги товар ва хизматлардан иборат бўлиб, шулардан озик-овқат маҳсулотлари 170 та, ноозик-овқат маҳсулотлари 250 та ва хизматлар 90 тани ташкил этади.

Йиғма ИНИни ҳисоблаш, базис даврининг салмоғидан фойдаланган ҳолда, модификацияланган Ласпейрес формуласи орқали амалга оширилади. ИНИни ҳисоблаш жараёнида салмоқ сифатида, оилаларнинг товар ва хизматлар сотиб олиш харажатлари тўғрисида уй хўжалиқларининг кузатуви натижасида олиннадиган аҳолининг истеъмол харажатларидан фойдаланилади.

Нарх – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси.

Қиёсий нарх (муомаладаги нарх) – айнан бир савдо объекти ва пуллик хизмат соҳасида рўйхатга олинган айнан бир ёки сифати бўйича айнан ўхшаш товар (хизмат, маҳсулот тури) нархи.

Рўйхатга олиш нархи – сифати, сотиш шартлари ва давр оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар, маҳсулот ёки хизмат турига тўланган пул бирлиги миқдори.

Нархларни рўйхатга олиш – истеъмол секторининг намунаси сифатидаги товар (хизматлар)нинг шакллантирилган тўпламига кирган товар (хизмат)лар нархлари тўғрисида маълумот тўплаш услуби.

Нархлар даражаси - муайян вақт, маълум бир ҳудудда, худди шундай истеъмол хусусиятлари билан товар ва товарларнинг умумий таркибида нархларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич. Нархлар даражасини баҳолаш нархларни статистик ўрганиш босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўртача нарх – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштириш характеридаги нарх. Статистик тажрибаларга асосан, дастлабки маълумотлар ҳамда уларнинг шакллантириш тартибига кўра ўртача нархларни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд.

Мавсумийлик – йилда вақт алмашиниши, бошоқли маҳсулотлар, сабзаёт ва меваларнинг етилиши даври ҳамда уларни қайта ишланиши, маълум ишларнинг

бажарилиши, шунингдек, урф-одатлар, байрамлар ҳамда шу каби бошқа омиллар билан боғлиқ такрорланувчи ўзгаришлар ва бошқалар.

Нарх индекси салмоғи – нарх индексининг шаклланишида қатнашувчи ўлчам бўлиб, улар ёрдамида:

а) кузатилаётган ҳодисаларнинг умумий йиғиндисидagi ҳар бир аниқ таркибий қисмнинг мазмуни ифодаланади;

б) аввалдан ўзаро солиштириб бўлмайдиган бирламчи таркибий қисмлар таққосланадиган шаклга келтирилади;

в) қўлланилаётган таснифлагичнинг барча босқичлари бўйича ўзаро солиштирилиши мумкин бўлган таркибий қисмлар кетма-кетлиги умумлаштирилади ва ўрганилаётган ҳодиса бўйича нарх ўзгаришининг умумий моҳияти аниқланади.

Индивидуал нарх индекси – ўрганилаётган бир элементнинг жами нархлари ўзгаришини акс эттиради (аниқ турдаги товар, хизмат) ва индивидуал ҳодисани тавсифлашда фойдаланилади.

Жамланган (йиғма) нарх индекси – алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда нархлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланувчи нисбий кўрсаткич.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (ИЧНИ) – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги инфляцион жараёнларни акс эттирувчи асосий индикаторлардан бири бўлиб, маълум вақт оралиғида ўзгармас ишлаб чиқариш тузилмаси бўйича ички (маҳаллий) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўзгаришини тавсифлайди.

ИЧНИ ҳар йили танланма кузатув доираси асосида янгиланадиган вакил-товарлар ва корхоналарнинг иккита маълумотлар мажмуаси асосида ташкил топади:

– республика саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган, давлат статистика ҳисоботининг тасдиқланган шаклига асосан намунадаги доирага киритилган корхоналар томонидан тақдим этиладиган товарлар нархлари тўғрисидаги маълумот;

– саноат ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида маълумот.

Кузатувда “Ўзстандарт” агентлигининг 2011 йил 28 январдаги 05-268-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига мувофиқ (ИФУТ-2) асосий иқтисодий фаолият турлари В - “Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш”, С – “Ишлаб чиқарадиган саноат”, D – “Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”, Е – “Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш” секцияларига тааллуқли бўлган корхоналар қамраб олинади.

Ишлаб чиқарувчи нархи – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бирлигининг корхона “дарвозалари”дан чиққан вақтидаги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан харидорга йўналтирилиши билан боғлиқ қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бошқа қўшимча солиқлар, савдо, сотиш устамаси, транспорт ва бошқа харажатлар ҳисобга олинмаган нархи.